




# ТОШКЕНТ



ШАҲАР  
ИЖТИМОЙ-  
СИЁСIIY  
ГАЗЕТАСИ

# ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 98 (9.595) 2001 йил 22 август, чоршанба Сотувда эркин нархда

КУТЛУҒ АЙЁМ АРАФАСИДА

## Улуғ бобомизга буюк эҳтиром

Буюк мутафаккир ва давлат арбоби, ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик юбилеи айни энг улуғ ва азиз байрамимиз Мустақиллигимизнинг 10 йиллик байрами шодиёналари арафасида нишонланаётгани яна ҳам қувончли воқеа бўлди. Ушбу қўш тантаналарни шодиёна ва муносиб кутиб олиш учун мамлакатимизда қизгин тайёргарлик бормоқда. Шу хусусда биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти директори Тўра Мирзаевага бир неча савол билан мурожаат қилдик.



— Тўра ака, улуғ мутафаккир ва аллома Алишер Навоий бобомиз таваллудининг 560 йиллик юбилей тантаналари ҳам айни култуғ кунлар арафасида нишонланар экан. Юбилейни муносиб кутиб олиш учун институтда қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир олим, давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийга бўлган ҳурмат ва эҳтиром йилдан йилга ошаёт бормоқда. Навоий ижодида ҳамма вақт ҳам қизикчи катта бўлган. Айниқса 1991 йил мустақилликка эришганимиздан сўнг Алишер Навоий ижодида катта эътибор қаратилди. 1991 йил Навоий йили деб эълон қилинди ва Навоий ижодини ўрганиши янгича йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 2 февралда Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори юзасидан мамлакатимизда катта ва кенг қўламадаги тадбирлар амалга оширилди. Мустақиллик шарофати билан ҳар йили 1 февралдан 10 февралгача Навоийнинг кунлари бутун мамлакатимизда олий ўқув юрталари, коллеж, лицей, мактаб ва маҳаллаларда қизгин нишонланмоқда. Маъбуот саҳифаларида илмий-оммабоп мақолалар чоп этилмоқда, радио ва телевидениеда Навоийга бағишланган қизқаргли курсатувлар ва эшиттиришлар намойиш қилинмоқда.

Хозирги кунда Алишер Навоийнинг Навоий ва тасавуф, Навоий ва дин, Навоийнинг фалсафий ва ижтимоий қарашлари, Навоий шەрияти масалалари янгича ўрганила бошланди. Биринчи марта Навоийнинг муқаммал асарлар тўплами 20 жилдликка нашрга тайёрланди. Унинг хозиргача 17-жилди босилиб чиқди. Бу йил нашр этилган 17- жилдга Навоийнинг илмий тўла равишда нашр этилмаган «Насойим ул-муҳаббат» асари киритилган.

Институтда Навоий ижодини ўрганиши бўйича қўлгина навоийшунос олимлар самарали ишланчилар олиб боришмоқда. Уларнинг Алишер Навоий юбилейига бағишланган кўпгина китоб ва рисодалар, илмий тақрирлари нашр этилди. А.Қаюмов, А.Хайитметов, А.Абдуғафуров, С.Ғаниева, И.Ҳаққулов, Н.Комилов сингари ва ёш навоийшунослар — С.Рафиддинов, Н.Рамазонов, Н.Бозорова ва бошқаларнинг самарали меҳнатлари ва ижодларини таъкидлаш ўринлидир. А.Хайитметовнинг «Навоийхонлик суҳбатлари», «Темурийлар даври адабиёти», А.Абдуғафуровнинг «Буюк бешлик сабоқлари», «Қалб ҳазирасида қадриятлари», С.Ғаниевнинг «Навр сеҳри», Навоий прозасига бағишланган китоблар ва мақолалари чоп этилди. Шунингдек, бу йил институт томонидан Навоийшунос олимларнинг «Навоийнинг ижод олами» мақолалар тўплами, «А.Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» маърузалар тезислари, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети томонидан нашр этилган «Навоийга армуғон» номли тўпламлар Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

— Алишер Навоийнинг юбилей тантаналари ҳақида, келгуси режалар тўғрисида гапириб берсангиз.

— Шу йил 24 августда эрта тонгда Навоий шаҳрида 105 гектарлик майдонда Навоий боғининг тантанали очилиши маросими ўтказилади. Шу муносабат билан буюк Навоий ҳайкали ўрнатилди. Халқимиз одатига қўра боққа ташриф буюрганлар учун дастурхон ёзилиб, ош тортилади. Шунингдек, Навоий шаҳрида «А.Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» мавзусида илмий конференция ўтказилади. Конференция маърузаларининг тезислари алоҳида китоб ҳолида босилиб чиқди. Боғда шу кунни турли қизқаргли учрашувлар, суҳбатлар, ҳамда театрлаштирилган томошалар бўлиб ўтади. Улуғ алломанинг 560 йиллик юбилей тантаналари нафақат Навоий шаҳрида, балки мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда.

Алишер Навоий ижодини ўрганишда келажакда хали олдимизда кўп вазифалар бор. Келгусида алломанинг муқаммал асарлар тўпламини лотин ёзувигача асосланган ўзбек алифбосида нашр этиш лозим. Бунинг учун Навоий асарларини қайта ўрганиш керак албатта. Навоий асарлари бўйича изоҳли китоблар чиқариш, Навоий лугатини тайёрлаш нашр этиш керак. Яна муҳим вазифалардан бири — Навоий қомусини яратиш. Булар энди иккинчи ўн йилликнинг режалари албатта. Қилинаётган барча эзгу ва ҳайрли ишларимиз, ўтказаятган тадбирларимиз улуғ мутафаккир Алишер Навоий бобомизга ҳурмат ва буюк эҳтиромимиз раъсидир.

Мана Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тантаналарига ҳам санокли сулулар қолди. Шундай култуғ ва муборак кунларда буюк аждоғларимиз руҳлари ҳам шод бўлаётгани шубҳасиз. Қўш байрам ва тантаналар юртимизда ҳаммиса давом этсин. Аждоғларимиз руҳи бизни доим қўласин.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди.

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

## ТОШКЕНТ: Юлдузларнинг ёрқин Зухроси

Энг улуғ, энг азиз байрамимизга оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам зўр илҳом билан таралдуқ кўрмоқдалар. Жумладан, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси ижодий жамоаси Истиқлолнинг 10 йиллиги олдидан «Водийларни яёв кезганда» руҳни остида мамлакатимиз вилоятларига бағишланган махсус туркум мақолаларини — саҳифаларни ўз муштарийлари диққатига ҳавола этди. Газетанинг кечаги сониди эса давлатимизнинг гўзал пойтахти Тошкент шаҳрида

Мустақиллик йилларида рўй берган беқиёс ўзгаришлардан ҳикоя қилувчи лавҳалар ва суратлар ёритилди. Ўзбекистонда қизмат қўрсатган журналист Маҳмуд Комилжонов қаламига мансуб «Тошкент: юлдузларнинг ёрқин Зухроси» сарлавҳаси остида ёзилган мақолаларда гўзал Тошкентимиз, унинг 11 та туманида юз берган ўзгаришлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилинади. Газеталар ижодий жамоаларининг мана шундай ўзаро ҳамкорлик ришталари ҳақида ҳар қанча илиқ сўзларни айтса арзийди.

● Тovuшдан тез учувчи «Конкорд» йўловчи самолётининг парвозлари сентябрга қадар яна тикланиши мумкин. Айни чоғда Франция ва Буюк Британия фуқаро авиацияси хизматлари «Конкорд» учун август охирида парвозга рухсат берадиган лицензия олиш масаласини қараб чиқмоқда.

● Япониянинг Жануби-ғарбига дахшатли «Побук» довули ёпирилди. Шу тўғрйли транспорт тизими ишдан чиқди. Довул соатига 12 километр тезликда мамлакат марказига яқинлашиб келяпти. Ҳозир 60 га яқин ички авиайўналишлар ёпирилган, поёзлар қатнови тўхтатилган.

● Ноқулай об-ҳаво шароити тўғрйли «Курск» автосувоисти кемасини кўтариш ишлари тўхтаб қолди. Мутахассисларнинг таҳмин қилишларича об-ҳаво яқин икки-уч кун ичида яхши бўлмайди. Дастлабки режага қўра операцияни сентябрь ўрталарига тугаллаш мўлжалланган эди.

● Чили ҳарбий денгиз флоты қўмондониди адмирал Мигель Вергара Перу ҳукуматининг Чили АҚШдан энг замонавий F-16 қирувчи самолётларини сотиб олиш билан қўшни давлатлар устидан ҳарбий устунликка эришмоқчи деган айбловини рад этди.

● Компьютер техникаси ишлаб чиқарадиган дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланмиш Fujitsu компанияси 2002 йил мартда ўзининг 16 минг 400 нафар ишчисини ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

### ИСТИҚЛОЛ — ТАҚДИРИМДА

● Акмал АЗЛАРОВ, ёғоч ўймаkori, шаҳар бўйича «Энг яхши хунарманд»:

— Мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаёқ миллий хунармандчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, хунармандларимизнинг ижод қилишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Ана шу боисдан хунармандларимиз меҳнати билан ясаб, санъат даражасига кўтарилган асарларимиз халқаро курғасмаларда ҳам муносиб баҳо олмақда. Бизнинг ота-боболаримиз тadbиркор, бунёдкор, қўли гул хунарманд ўтишган. Бугунги уларнинг буюк мерослари — тарихий обидаларимиз бунинг ёркин мисолидир. Истиқлол биз хунармандларни ўз Ватанимиз, халқимиз учун энг сара асарлар яратишга ундади.

● Мавжуда ВОҲИДОВА, Ҳамза туманидаги 216-мактабнинг тарих ўқитувчиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси:

— Мана ўн йилдирки, ўғил-қизларимга ўз юртим тарихи, бугуни, эртаси ҳақида бор ҳақиқатни айта оламан, буюк аждоғларимиз билан уларни фахрланишга, улардан қўлган меросни кўз қорачиғидек асарга ўргатиб бораман. Шу билан биргаликда педагогик фаолият ҳам ўзининг муносиб баҳосини мана шу йилларда олди. Бу нарсаларнинг барчаси, Истиқлол қувонч мени тинмай меҳнат қилишга, бор билимимни юртим фарзандлари — баркамол авлод тарбияси йўлида сарфлашга ундади.

● Мактуба ҚОДИРОВА, уй бекаси:

— Мустақиллик йилларида аёлларга, ёш оналарга кўрсатилаётган эътибордан мамнунман. Болаларимга маҳалла кўмитаси томонидан ҳар ойда моддий ёрдам оламан. Ёш, кўп болали оилаларнинг қўллаб-қувватланиши бизни қўвонтиради ва юртимиз эртасига бўлган ишончимизни оширади. Мен ҳам тўрт нафар дилбандимни меҳр билан тарбиялар эканман, мана шу муҳаббатим эртага Ўзбекистоним ривожига ҳисса қўшадиган фарзандларим қалбида юртта, Ватанга, одамларга садодат чечаги бўлиб унишни ниёт қиламан.



ОНА  
ДИЁРИМИЗДА  
ЭНГ УЛУҒ,  
ЭНГ АЗИЗ  
БАЙРАМ  
НАШИДАСИ


Шу азиз  
Ватан —  
барчамизники!



Яна тўққиз кундан кейин ҳаммамиз Мустақиллигимизнинг култуғ 10 йиллигини нишонлаймиз. Йил бўйи ўтказадиган байрамларимизнинг энг улуғи, энг азизи бўлган бу айёмни ҳар бир юртошимиз юракда энтикши ва гурур билан, қалблари ифтихорга тўлган ҳолда нишонлашади. Айни шу кезларда бутун мамлакатимизда, унинг гўзал пойтахти Тошкент шаҳрида шу улуғ байрам нашидаси кезиб

юрибди. Улкан байрамга мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдониди зўр таралдуқ кетмоқда. Бу ерда намойиш этилаётган байрам дастури чинакамга халқ қувончининг олий даражадаги ифодасига айланishi учун юртимизнинг машҳур санъаткорларидан тортиб бадий ҳаваскорларгача қизгин таралдуқ кўришмоқда. Шу кунларда шаҳримизни айланган киши Му-

стақилликнинг 10 йиллиги, шарафига бунёд этилаётган бири биридан гўзал нишоотларни кўриб хайратдан ёқа ўшлайди. Ҳа, бунёдкор ва азиз халқимизга ана шундай култуғ байрамлар жуда-жуда ярашади. Байрам шодиёналарига чиққан ҳар бир киши қалбида Ўзбекистон деган аталмиш жаннатмонанд гўзал юрт, ўзбек деган улуғ ном жаҳонда ўз ўрни, ўз овозига эга эканлигини яна бир бор юракдан ҳис этади.



Сergeй Любич олган суратлар.

### ИСТИҚЛОЛ ИЛҲОМЛАРИ

## Бахт қуши қўнса бошингга

Адолат қирса гар уйингга,  
Тўшалса гиламлар йўлинга,  
Бахт қуши қўнса бошингга,  
Билгинки донишманд йўлбошчи.

Юртинг ривож топса поёнсиз,  
Йўқолса Ватандан ҳаёсиз,  
Душманинг чекинса аёвсиз,  
Билгинки донишманд йўлбошчи.

Оталар нуруний юрсалар,  
Оналар хушчақчақ кунсалар,  
Болалар Ватанин севсалар,  
Билгинки донишманд йўлбошчи.

Тинчлигинг Оллоҳим асраса,  
Эл-юртинг яйраса-яшаса,  
Аждоғлар нигоҳин ташласа,  
Билгинки донишманд йўлбошчи.

Ватанинг бу олам таниса,  
Юртингдан фалокат ариса,  
Бало-ю қазодан асраса,  
Билгинки донишманд йўлбошчи.

Элимда мужассам ҳаммаси,  
Ўзбекинг мустаҳкам қаласи,  
Мусаффо оналар алласи,  
Билдимки донишманд йўлбошчи.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ,  
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган иxtирочи.

## XXI аср Хаср

Барча маибалардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Олий Мажлисининг навбатдаги матбуот анжумани Мудофаа ва ҳавфизлик масалалари кўмитаси иштирокида ўтказилди. Унда қонунлар ижросини назорат қилиш ва таҳлил этиш юзасидан ўн йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида яқинлашиб келаётган пахта йигим-теримига пухта тайёргарлик қўриш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, қузи дон экиш ва чорва қишлоғига озуқа жамғариш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди.

● Республика Фанлар академиясида мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Мустақил Ўзбекистон давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Гулистон шаҳрида «Камолот кунлари»нинг якунига бағиш-

ланган «Қанотинг бўлай, Ўзбекистоним» мавзусида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятида Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йўлига бағишланган йилнинг энг яхши ўрта таълим мактаби аънъанавий танлови ўтказилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси ва «Бритиш Американ Тобако Ўзбекистон» компанияси ташаббуси билан Тошкентдаги менежмент ва инновация марказида Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган қўшма ижодий курғасма очилди. Ўзбекистонлик ва америкалик рассомлар илк бор ажойиб лойихани амалга оширишга киришди. Бу лойиха «Ўзбекистон ва АҚШ: рассомлар қураётган кўприк» деб аталади.

● «Наврў» хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими Мустақиллик байрами арафасида ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарлар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Яқинда жамғарма фаоллари Термиз шаҳри ва тумани ҳудудидидаги ҳарбий қисмларда қизқаргли тадбирлар ўтказди.

● Жиззах вилоятида Анорқул Қулмонов номли қозоқ мусикали драма театрининг очилиш маросими кўп миллатли Мирзачўл тумани меҳнаткашлари учун чинакам дўстлик байрамига айланди. Театр жамоаси меҳмонлар ва санъат шинавандаларига қозоқ драматурги Султонали Болғабоев асарини — «Энг гўзал келинчақ» спектаклини тақдим этди.

● Бухородаги Сомонийлар боғида аънъанавий «Табаррук замин саховати» қовун сайли бошланди.

### Жаҳонда

● Беларусуди А.Лукашенконинг «Тобора гуллаб-яшнаётган Беларусу билан бирга» деб номланган сайловолди дастури эълон қилинди. Хабарларга қўра мамлакатда Президент сайловлари 9 сентябрда ўтиши мўлжалланган.

● Германиядаги «Мессе Кельн» («Кельн» ярмаркаси) курғасмалар залида «Интер-Джинс» эркаклар замонавий кийимлар ҳафталиги Кельн халқаро курғасмаси бўлиб ўтди.

● Халқаро Кураш ассоциациясига Шри-Ланкадан хушхабар келди. Осиёнинг кўза қўринган спорт мутахассиси, Шри-Ланка Кураш федерацияси президенти Резви Рауфининг хабар беришича, шу йилнинг 14 ноябрь кунини Шри-Ланканинг пойтахти Коломбо шаҳрида ўзбек кураши бўйича халқаро турнир ўтказиш кўзда тутилган.

● Бугун Украина миллий банки 200 гривен қийматига эга бўлган купюрни муомалага чиқаради.

● Бугун Қирғизистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги жамоа ҳавфизлиги шартномаси доирасида ташкил этилган команда-штабининг машғулотлари бошланди.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Норвегияга сафари чоғида Яқин Шарқ масаласига тўхталиб, минтақадаги аҳвол гоёт мурракаб экани ва уни имкон қадар тезроқ барқарорлаштириш кераклигини таъкидлади.

● Тovuшдан тез учувчи «Конкорд» йўловчи самолётининг парвозлари сентябрга қадар яна тикланиши мумкин. Айни чоғда Франция ва Буюк Британия фуқаро авиацияси хизматлари «Конкорд» учун август охирида парвозга рухсат берадиган лицензия олиш масаласини қараб чиқмоқда.

● Япониянинг Жануби-ғарбига дахшатли «Побук» довули ёпирилди. Шу тўғрйли транспорт тизими ишдан чиқди. Довул соатига 12 километр тезликда мамлакат марказига яқинлашиб келяпти. Ҳозир 60 га яқин ички авиайўналишлар ёпирилган, поёзлар қатнови тўхтатилган.

● Ноқулай об-ҳаво шароити тўғрйли «Курск» автосувоисти кемасини кўтариш ишлари тўхтаб қолди. Мутахассисларнинг таҳмин қилишларича об-ҳаво яқин икки-уч кун ичида яхши бўлмайди. Дастлабки режага қўра операцияни сентябрь ўрталарига тугаллаш мўлжалланган эди.

● Чили ҳарбий денгиз флоты қўмондониди адмирал Мигель Вергара Перу ҳукуматининг Чили АҚШдан энг замонавий F-16 қирувчи самолётларини сотиб олиш билан қўшни давлатлар устидан ҳарбий устунликка эришмоқчи деган айбловини рад этди.

● Компьютер техникаси ишлаб чиқарадиган дунёдаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланмиш Fujitsu компанияси 2002 йил мартда ўзининг 16 минг 400 нафар ишчисини ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

● Калькуттада эркаклар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпионати ўз ихтисосига өтди. Унда қитъанинг 74 нафар энг кучли шахматчиси ўзаро куч синашди.

# ИЖТИМОЙ ХИМОЯ

№ 1. Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

— Мустақиллик — ҳалқимиз асрий орзу қилган улғу неъмат. Улғу Ватанимизни келгуси авлодларга овоз ва обод қилди қолдириш шу табарук она юрт фарзандининг муқаддас бурчидир. Касабаси уюшмалари ҳам давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган одилон ва оқилона сиёсатни қўллаб-қувватлаб, муштарак эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилиб келмоқда.

Заррада қуёш акс этганидек, Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши фаолиятида сезиларли ўзгаришлар ва олға силжилар юз бермоқда. Мамнуният билан таъкидлаш кераки, истиқлолнинг шарофати билан 1991 йилда Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши ташкил топди.

Утган йиллар мобайнида касабаси уюшмалари ҳаракатини янада ривожлантириш, касабаси уюшмаларининг қўластари билан таъкидлаш, ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш борасида анча ишлар қилинди.

Иқтисодий-ишловчи иқтисодиётнинг соҳа эгалари — тадбиркор аҳлининг манфаатини ҳимоялашдек долзарб ишга катта аҳамият берилди, бу тармоқ хизматчиларининг хоҳиш-иродаси ва Кенгашининг қўллаб-қувватлаши натижасида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ҳодимлари касабаси уюшмаси шаҳар кўмитаси ташкил топди.

Ушбу тармоқ шаҳар кўмитасига ёш, ташаббускор, шижоатли, билимли ёшларнинг сайланиб, астойдил меҳнат қилаётганлиги кишини қувонтиради. Бугунги кунда давлатимиз томонидан шахримизда қўша корхоналарни барпо этишга кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Албатта бу нодавлат секторига қарашли корхоналардаги меҳнат-кашларнинг манфаатларини ҳимоялашда шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши алоҳида эътибор бермоқда. 2000 йилда шаҳар бўйича 430 та қўша корхона рўйхатга олинган бўлиб 326 та сизда касабаси уюшма кўмиталари ташкил қилинди. 5600 дан зиёд кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ҳам касабаси уюшма кўмиталари ташкил қилинди, бу жамоалардаги 60 миңдан зиёд меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш демекдир. Бу корхоналарнинг 40 фоиздан ортиғида жамоа шартномалари тузилди ва қабул қилиш бўйича музокара олиб беришмоқда. Мазкур корхоналардаги меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқий ҳақда меҳнатини ҳимоялаш мақсадида Кенгаш томонидан бир қатор «чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланган тармоқ шаҳар касабаси уюшмалари кўмиталарига ижро учун юборилди ва назорат олинди.

Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, меҳнатни муҳофизат қилиш, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, оммавий-жиомий тарбия ва маданий ишлар, касабаси уюшма кадрлар билан ишлаш ҳамда уларни ўқитиш шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши фаолиятининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Давлат—тадбиркорлар — касабаси уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг амалга оширилиши, ижтимоий шерикчиликнинг намоён бўлишидир. Ижтимоий шерикчилик таъбир жоиз бўлса, мустақилликнинг меваси бўлиб, давр талаби билан юзага келган янги мақдурларни йўналишидир. Мазкур йўналиш касабаси уюшмалари, давлат бошқаруви идоралари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларда юзага келаятган барча муаммоларни фақат музокара, ҳамкорлик ва ўзаро келишув йўли билан ҳал этишни тақозо этади.

Ижтимоий шерикчилик тамойилининг мақсади ва вазифаларини амалга ошира бориб, шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши ишлаб чиқаришни бир маромда ишлаши, иш ҳақини ўз вақтида бериш, жамоа шартномалари ва битимлар орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоялашда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг янги-ча йўллари изламоқда.

Меҳнат-саховат кўрсатиш ҳалқимизга хос фазилатидир. Жумладан, умумхалқ касб байрамлари муносабати билан кўп болали ва ҳам таъминланган оилаларга давлат тасаруфидидаги ташкилотлар ҳисобидан 153 миллион 768

миң сўм ва касабаси уюшмалари бюджетидан 32 миллион сўм маблағ ажратилиб, 34 миң нафар оилага моддий ёрдам берилди.

Ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ва бу соҳада муҳтарам Юртбошимиз томонидан кўрсатилган гамаҳуриликлар бизнинг фаолиятимизда гоят катта ёрдам кўрсатмоқда ҳамда хайрли ишлар сари илҳомлангирмоқда.

Бугунги кунга келиб шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳамда уларнинг меҳнатини ҳимоя қилишда бир қатор қонунлар ва меърий ҳужжатларга асосланган ҳолда давлат идоралари ва иш берувчилар билан ҳамкорликда иш олиб бориш йўлга қўйилди. Бунда бир қатор нодавлат секторидида корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари

ни ошириш, янги иш жойларини барпо этиш, ҳиссдорларга берилмаган дивидендларнинг миқдорини ошириш масалаларида эътиборларини кучайтириш таъкидланган келинмоқда ва назорат қилинмоқда.

Хозирги даврда кишилар онгидан ўзгариши юзага келтириб, уларни боқимандлик, лоқайдлик кайфиятидан ҳалос этиш, моддий манфаатдорликни кучайтириш, меҳнат унмдорлигини юксалиши, махсуслот сифатининг ошиши корхонанинг раванқига хизмат қилади.

Жумладан, «Сувамш» корхонасининг тадбиркор раҳбарлари ҳорижий мамлакатлардаги корхоналар билан иқтисодий алоқаларни боғлаб, ўтган йилларда сифатли, харидоригр махсуслот ишлаб чиқариб, катта даромад қилиб келмоқда. Корхонанинг махсуслоти жаҳон андозалари даражасида

«Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи Бўстонлик туманининг Соилқ кишлоғида жойлашган бўлиб, унга фойдаланишга топширилгандан буён Данил Абдуллаев раҳбарлик қилиб келади. Оромгоҳ тошлоқ сой устида қурилган бўлиб, биринчи йиллари бирорта ҳам дов-дароҳат йўқ эди. Утказилган ҳар бир ниҳолнинг кўкариб, тўтиб кетишига озмунча меҳнат сарф бўлгани йўқ. Йиллар давомида ўтказилган мева ва манзарали дароҳлар билан биргаликда оромгоҳ ҳам гуллаб яшнайверди. Хозирги кунда оромгоҳ худудидидаги дуб, шамшод, липа, каштан, чинор, арча, қарағай ва қайин каби дароҳлар, гуллар ва бутқоқлар

батта. Оромгоҳ раҳбари, педагогика фанлари номзоди Д. Абдуллаев ҳодимларни маҳорат билан танлайди. Педагогик жамоанинг асосий қисми 15-20 йиллар давомида муайян келиб ишлаётган ҳодимлардан иборат. Ҳар йили ёз мавсуми бошланиши олдидан тарбиячи ва етакчилар учун махсус ўқишлар ташкил этилиб, унда оромгоҳ аъёнлари, ўқитилари, кўшиқлари ўргатилади. Бу ўқишларни ўтказишда йиллар давомида ташкил этиб борилган услубхонамиз кўп қилди. Йиллар давомида оромгоҳимиз аъёнасига айланган қолган тадбирларимиз жуда ҳам «Миллий қадриятлар» кўни, «Апачи» ўйини, «Нептун»



Пойтахтимиздаги 21-қурилиш бошқармаси пардозловчилари 1-шаҳар юқумли касалликлар шифохонасини қайта қуриш ва таъмирлаш ишларида фаоллик кўрсатишмоқда. СУРАТДА: бўйлаш бригадаси бошлиғи Ҳасан Раҳमतова ва бўёқчи Шухрат Нишонов. Тохир Нигматуллин олган сурат.

## Гўзал оромгоҳ

дендрарийни эслатади. Илк бор қурилган ётоқхоналар айвон шаклида бўлган бўлса, бора-бора ёпик корпусларга айланди. Кичик ховуз ўрнига ўзининг кўп елканли кемаси билан ҳаммани хайратга содирган сув ҳавзаси қурилди. Бора-бора шинам ва мўъжзагина йўлакчалар, қуёш нурида мавжланиб турган мовий ховузчалар, уларнинг атрофида мағрур турган денгиз тойчоқлари, ховузчалар ичидида сирпанчик тепачалар, ястидан ётган бахайбат жайҳун, рақс майдончалари оромгоҳ кўрки бўлиб қолди.

Хозирги ўн йилликда оромгоҳда жуда катта қурилишлар амалга оширилди. Ундан ортиқ тўғаракни ўз ичига олган Болалар ижодиёт ўйи, барча санитария қўлайлиқларига эга бўлган икки қаватли қизлар ётоқхонаси, замонавий ускуналар билан жиҳозланган тиббиёт маркази, ўзига хос ташқи ва ички кўриниши билан ажралиб турадиган салобатли ошона, маънавият ва маърифат маркази ана шулар жумласидандир.

Ортимизда эълон қилинган Инсон манфаатлари йили, Аёллар йили, Соғлом авлод ва ниҳоят Оналар ва болалар йили дастурлари оромгоҳ маъмурияти иш режасининг асосий дастури бўлиб қолди. Мана шу дастурлар асосида оромгоҳнинг сув ҳавзаси қайта таъмирланиб, ўзига хос гўзал архитектурага эга бўлган «Аждарқўл» ансамбли бунёд этилди. Ундаги денгиз эрталари мавзусида ишланган гўзал сахна, салобат ила турган уч бошли аждарқў болалар кўли ва катта совға бўлди.

«Соғлом авлод» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида катта ва кичик ёшдағи болаларга мўъжаланган 2 та футбол майдончаси, 2 та волейбол майдончаси ва 2 та тақдирландилар. Оромгоҳ болалар спорт мажмуғасига қурилди. Оромгоҳ худудидидаги иссиқхонага эса киши ёз болалар дастурхонини учун помидор, бодиринг каби сабзавотлар, қўқатлар етиштирилди.

Болаларнинг мароқли дам олишлари учун ҳамма шароитлар мавжуд. Шинам ва кўркам мебеллар, музлатқич ва совутиқлар, рангли телевизорлар, радио тармоғи ва телевизорлар, оёқ тагига тўшалган палюсу гиламлар, спорт анжонлари ва ўйинчоқлар, кутубхона, барча барчаси болаларни ҳузур қилди.

Оромгоҳда ўтказилган тарбиявий ишлар ҳам, турли мавзулардаги тадбирлар ҳам уларни амалга оширадиган педагогик жамоа ҳам, ана шундай ҳамма шароитлари бадавистир бўлган оромгоҳга муносиб бўлмоғи лозим, ал-

байрами, «Семурғ юлдузлари» кўрик-танлови, спартакиадалар, «Семурғ маликаси» кўрик танлови шулар жумласидандир.

Бу йил оромгоҳ ўзининг 30 йиллик юбилейини нишонлади. Эрта тонгда радио орқали табрик сўзлари жаранглади. Болаларнинг ўз оромгоҳларига айтган дил сўзлари юракларини тўқилантириб юборди.

Шу кун юбилейга бағишланган оилавий катта теннис турнири бўлиб ўтиб, унда ўндан ортиқ оила қатнашди. Ғолиблар эса оромгоҳда таъсис этилган медал, юбилей фахрий ёрлиғи ва «Семурғ» ҳайкаласи билан тақдирландилар. Оромгоҳ марказий хиббонидида болалар ижодиёт кўргазмаси ташкил этилди. Оромгоҳ тарихи ва хозирги кунларини акс эттирувчи фотосенд ва суратли альбомлар ҳам ана шу кўргазмадан жой олди. Сўнг сойик Семурғчилар учрашуви бошланди. Улар кўргазмени томоша қилишар экан, бир вақтлар ўзлари ясаган буюмларни кўриб қувонинишди. Болалик чоғларида тушган расмлардан бир-бирини танишиб, қўқоқлашиб қуришиб кетишди. Улар ўз фарзандларини бир-бири билан таништиришди. Қаран-ки, улар ҳам худди ўзларидек бир отрядда дам олишгаётган экан.

Келган меҳмонлар сўзга чиқибди, бир қанча оромгоҳ ҳодимлари фахрий ёрликлар билан эсдалик буюмлари билан тақдирландилар. Оромгоҳ болалар учун ҳам рангли телевизор, видео каби қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шундан сўнг музикавий композицияда бошланди. Бу композицияда оромгоҳ тарихи ва хозирги кунга акс этди. Композиция тўғрага сахнадан «Сетора» гурӯҳи ва Отабек Мадррахимов жой олишди.

Ҳа, айтгандек, оромгоҳ сахнадан кимлар ўзининг биринчи қадамини бошламаган дейсиз. Обид Асомов, Отабек Мадррахимов, Сўғдиёна Исроилова каби санъаткорлар билан қишқирларини оромгоҳ сахнасида бошлаганлар. Шунинг учун ҳам ҳар йили танкил санъаткорлар оромгоҳ сахнасида ўз кўй-қўшиқлари билан болаларни хурсанд қилдилар. «Тож» гурӯҳи, эстрада хонандалари Юлдуз Усмонова, Мухриддин Холиқов, Хусниддин Холиқов, Мавлуда Асалжўраева, Борис Тохтақунов, Сандо Павлишовили, ёш гурӯҳлардан «Сетора», «Жоним», «Аёло», «Болалар» оромгоҳимиз сахнасида ўз санъатларини намойиш қилганлар.

**Муаттар ЭШМУХАМЕДОВА, «Семурғ» оромгоҳининг Маърифат ва маънавият ишлари бошқарувчи ташкилчиси.**



қўмитасининг раиси Сурайё Абдуазимова. — Инсоннинг ўз касбининг севиб ишлаши ўзи учун ҳам, меҳнат жамоаси учун ҳам фойдалоқ, мароқли бўлиб қийинчиликларини енгишга ёрдам беради.

— Бизнинг ишимиз нозик. Харидорларнинг кўнглини топсақ, раҳмат айтиб кетилади. Савдода ишлаганидан ноллмайман. Меҳнат қилардим. Ўзбекистон Республикаси савдо аълочиси, Меҳнат фахрийси нишонлари билан тақдирланганман. Мустақилликдан кейин савдога ҳурмат қўйиб меҳнатимиз каттатопмоқда. Универмаг маъмуриятидан миннатдоримиз. Фахрийларга эътибор катта. Жамоамиз аҳил, иноқ, — дейди Махсума опа Лутфуллаева.

Махсума опа аҳил хонадон соҳибаси бўлиб, умр йўлдоши билан уч фарзанд, уч набаирини тарбиялаб воғга етказмоқда.

Саҳифани Уллубек ПўЛАТОВ тайёрлади.

## МУСОҲАБА

# Мустақиллик — меҳнат ва масъулият



Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши ирриқ жамоат ташкилотларидан ҳисобланиб, ўзининг муносиб ўрни, салоҳиятига эгадир. Кенгаш хайрли ишлари, ибратли аъёнлари билан меҳнат аҳлининг манфаати йўлида хизмат қилиб, ҳурмат қозониб келмоқда.

Мустақиллик шарофати билан пойтахт касабаси уюшмалари фаолиятида қандай ўзгаришлар юз берди? Меҳнат аҳлининг манфаатини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши раиси Мирзохид СОДИКОВ бу ҳақда жамоатчи муҳабиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

рини тузиш, уларни қабул қилиш ва бажарилишини назорат қилиш касабаси уюшмаларининг асосий вазифасидир.

Мустақилликдан олдин барча корхона ва ташкилотлар давлат томонидан ҳам ашё билан таъминланиб тайёр ишлаб чиқарилган махсуслотлар харид қилинган бўлса бугунги кунда хусусийлаштирилган нодавлат корхоналарида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уни ҳам ашё билан таъминлаш, сифатини ошириш ва харид қилиш иш берувчи томонидан бажаришмоқда. Шундай пайтда корхоналардаги касабаси уюшма ташкилотлари иш берувчига энг биринчи ёрдамчи бўлиши керак. Касабаси уюшма ташкилоти раислари корхонада ички меҳнат тартибини ўрнатилди, меҳнаткашларнинг меҳнатини муҳофизат қилишда, уларни ва оила аъзоларини соғломлаштиришда, ишлаб чиқаришда тежамкорлик ва махсуслотларнинг сифатини оширишда, янги харидоригр жаҳон андозаларига мос махсуслотларни ишлаб чиқаришда эътиборни кучайтириш Кенгаш томонидан уқтириб берилмоқда.

Бундан ташқари меҳнаткашларнинг онгини ўстиришда мулкчиликнинг барча шаклларида, уларнинг фуқаролик ҳуқуқини билишларини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган масалаларнинг барчаси корхона ва ташкилотлардаги қабул қилинган жамоа шартномаларида акс эттирилиши ва уларнинг бажарилиши назорат қилинмоқда. Бундан ташқари тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар кўмиталарига қарашли ҳиссдорлик жамятларининг қузатув кенгашларига, бошқарувига касабаси уюшма ташкилот раисининг аъзо бўлиб киришларига катта эътибор берилмоқда. Бунда касабаси уюшма ташкилот раиси жамоа номидан вакил бўлиб, корхонадаги меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ва уларнинг меҳнатини муҳофазасини ҳимоя қилишда оид масалаларни кўтариб чиқади ва ўз овозига эга бўлади.

Бунда аъзо касабаси уюшма ташкилоти раисларига ҳиссдорлик жамятида ишлаб чиқаришни янги технология билан жиҳозлаш, ишлаб чиқарилаётган махсуслотларнинг рақобатбардошлиги-

тайёрланаётганлиги учун Женевадаги Халқаро ВИД — бизнес дирекцияси 24 конвенциясининг қарорига биноан «Олтин Юлдуз» сифат белгиси билан тақдирландилар. Бундан албатта фахрланиш, илғор тажрибани оммалаштириш даркор. Зеро, иқтисодий жиҳатдан бақувват корхонада меҳнат аҳлининг манфаатини кучли ҳимоялаш шароитининг юзага келиши барчага маълумдир.

Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамяти шаклланаётган хозирги даврда қонун устуворлиги, ҳуқуқий саводхонлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу масалалар шаҳар касабаси уюшмалари Кенгашида катта эътибор берилди. Яқинда Кенгашининг ташаббуси билан Асосий Қўнғимизни ўрганишга бағишланган «Конституция: ҳуқуқ ва касабаси уюшмалари» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди. Шунингдек, йил мобайнида тармоқ касабаси уюшмалари шаҳар кўмиталари раҳбарлари иштирокида касабаси уюшма фаолиятининг долзарб йўналишлари бўйича корхоналари ва ташкилотларда семинарлар ўтказиш яқин одатга айланди.

Ешлар — бизнинг келажагимиз. Шаҳар касабаси уюшмалари Кенгаши хайрли ишга қўл уриб, пойтахтимизда олий ва ўрта махсус ўқув юртиларда малакали мутахассисларни тайёрлаш ва касабаси уюшмалари фаолиятига ишларни кенгрок жалб этиш мақсадида 1999 йилдан эътиборан 10 та стипендия таъсис этди.

Аълочи ва жамоатчи ешларнинг муносиб 50 нафарига «Шаҳар касабаси уюшмалари Кенгашининг стипендианти» гувоҳномасини топширишдек ажойиб аънона давом этиб келмоқда.

Савоб иш қилмоқ ҳалқимизнинг азалги удумларидан ҳисобланиб, касабаси уюшмалари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг «Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин», деган умрбоқий қаломи фаолиятини учун дастуруламалдир.

— Сўхбатингиз учун ташаккур.

## Ўз касбининг жонқуяри

«Тошкент универмаги» акциядорлик савдо ишлаб чиқариш жамяти мамлакатимиздаги ўзининг муносиб ўрнига, салоҳиятига эга бўлган савдо корхоналаридан биридир.

Бу албатта, корхона мутасаддиларининг кўп миллатли жамоа билан аҳил-иноқлик, тадбиркорлик билан олиб бораётган ишлари маҳсулидир.

Маълумки, ибратли аъёнларга эга бўлган корхонанинг ишлари ривож топади. Барча касбада, айниқса, савдо-сотикдек зарғарона меҳнат талаб этиладиган, миқсқолаб обрў йиғилдиган сермашақат соҳада устознинг шогирдида доно ўғити жуда асослидир. Устозини ота-онадек эъзозлаб тарбиясини олган, касбининг сир-асорини ўрганган уқув-

ли, қобил шогирд камол топади, ҳурмат қозонади.

Шарқона одоби, ёқимли муомаласи билан 35 йил элга ҳалол хизмат қилиб, касбининг етук соҳибаси даражасига етишган Махсума опа Лутфуллаевани ешлар устоз деб эъзозлашадир. У ҳамкасблари ўртасида ажойиб инсон сифатида муносиб ҳурмат-эҳтиромга сазовордир.

Махсума опанинг тархимаи ҳоли ҳам оддий, ҳам ибратлидир. Тошкент савдо техникумининг битиргач, 1966 йилда Тошкент универмагига ишга келди.

«Дароҳат бир жойда кўкаради», дейди доно халқимиз. Ишчанлик, камтарлик, сабр-қаноат каби ҳислатлар эгаси бўлган Махсума опа Лут-

фуллаева дастлаб сотувчиликдан иш бошлаб, 1986 йилдан то хозиргача бўлим мудирини вазифасида баракали меҳнат қилиб келмоқда.

Уз навабатида бағри кенг, меҳрибон инсон Махсума опа қўллаб малакали шогирдлар тайёрлаб келмоқда. Жумладан секция мудирлари Мухайаб Абдувалеева, Хурият Юсупова, катта сотувчи Мавлуда Комилова, ешлардан катта сотувчилар Мавжуда Усмонова, Раъно Қаюмова уларнинг устозини тарбиясини олишиб, биргаликда ишлаб келишмоқда.

— Универмагимизнинг унчи қаватидаги ҳодимлар Махсума опани устоз деб эъзозлашди. Билимлари, тажрибаларини аямайдилар. Одамлар кўнглига йўл топиб ишлаш уларнинг фазилатидир, — дейди корхона касабаси уюшма





# «Тошбозор тайёрлов» савдо уюшмаси

барча юртдошларимизни  
 2001 йил 1 сентябрь —  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Мустақиллигининг  
 10 йиллик  
 байрами муносабати  
 билан чин дилдан  
 муборакбод этиб,  
 ҳамма хонадонларга  
 тинчлик, хотиржамлик ва  
 файзу барака тилайди.

## Янги анъанага асос солинди

Республикамизда энг жазо билахонлардан тортиб профессионал ракетка усталарининг ҳар томонлама камол топиши йўлида кенг қулаётган ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳар йили «Ойноқ» ва «Ўзбекистон миллий банки спорт мажмуи» кортирида болалар ва ўсмирлар ўртасида қўллаб қўзиқарилиб мусобақалар ўтказилади. Анъанавий Президент Кубоги мусобақаларининг юртимизда тенниснинг ривожига қанчалик муҳим ҳисса қўшаётганини эса таъкидлашга ҳоҷат бўлмас керак.

Мустақиллигимизнинг ўн йиллиги байрами арафасида яна бир хайрли анъанага асос солинди — 27 август — 1 сентябрь кунлари Ўзбекистон Миллий банки спорт мажмуининг теннис кортирида 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтади. Ўзбекистон теннис федерацияси ва БМТнинг мамлакатимиздаги ваколатхонасининг ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақа «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Кубоги» деб номланган ва у ўтган икки йил давомида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси василигида республика ўсмирлари доирасида ўтказиб келинган мусобақаларнинг мантиқий давомидир.

Турнирнинг ташкил этилишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекистон» миллий компанияси, Ўзбекистон Миллий банки, «Фон» илмий ишлаб чиқариш биросмаси ва бир қатор кўшма корхоналар ва компаниялар ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Халқаро мусобақаларда Россия, Япония, Буюк Британия, Россия, Ҳиндистон ва Ўзбекистон каби 9 мамлакатнинг ёш теннис усталари галаба учун кураш олиб боришади. Турнир ғолиби «Фон» илмий ишлаб чиқариш биросмасида тайёрланган махсус кубоқнинг эгаси бўлади.

Даврон ИСМАТОВ

## «Пахтакор»нинг галабаси

**КЕЧА**  
 мамлакат X миллий чемпионатининг олий лига жамоалари ўртасида ўтказилган 23-тур «Пахтакор» ишқибозлари учун ўзига хос кувонч ҳадя этди.

Чунки ўз майдонида «Самарқанд-Динамо»ни қабул қилган пойтахтнинг бош жамоаси футболчилари ниҳоят кўнчилик кутган тезкор, чиройли ўйин намойиш этиб 3:0 ҳисобида галаба қозонишди ҳамда муҳим уч очкога эга бўлишди.

Тошкентнинг яна бир жамоаси «Академия» эса бу сафар ҳамда «Кимёгар»га 1:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Қолган учрашуларда қўйидаги натижалар қайд этилди: «Семург» — «Нефтчи» 0:2, «Навбахор» — «Андижон» 3:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» 0:4, «Сурхон» — «Бухоро» 2:2, «Насаф» — «Кизилқум» 4:2, «Турон» — «Зарафшон» 2:2.

Навбатдаги 24-тур учрашулари 29 августда бўлиб ўтади.

**БУГУН**  
 эса ўтган йилги чемпион «Дўстлик» «Трактор» билан куч синашади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

## ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ Хуршид маҳалласи — мусобақа ғолиби

Иккинчи йили ташкил этилган бўлса-да, «Футболимиз келажаги» мусобақалари кутилгандан ҳам кўпроқ даражада оммалашиб кетди. Бу йилги учта ёш тоифаси бўйича республика миқёсида ўтказилган турнирда 29 мингдан ортиқ команда галаба учун кураш олиб боргани, майдонга эса 1 миллион 100 мингта яқин болалар тушгани фикримиз далилидир.

**КЕЧА**  
 ишқибозлар билан (авжум «Пахтакор» марказий стадионида 12-14 ёшдаги маҳалла ўсмирлари ўртасидаги мусобақаларнинг финал учрашуви бўлиб ўтди. Майдонга эса энг кучли жамоалар — Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Хуршид маҳалласи ва Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги «Навбахор» маҳалласининг ёш футболчилари тушибди. Беллашувдан олдин Республика Оксоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармасининг раиси Шўхрат Жалилов, машҳур футболчи, ҳозирда маҳалла футболининг президенти этиб тайинланган Биродар Абдураимовларнинг болаларни қўллашлари чиройли ўйин сари руҳлантирди.

Ҳуршид маҳалласи ҳужумчи ҳоразмлик бўлаб берган бўлса-да, сўнг ташаббус ҳамшаҳарларимиз томонига ўтди. Орадан кўп ўтмай чап қанотдан бошланган ҳужум «Хуршид» ярим ҳимоясига Акром Ғофуровнинг кучли зарбаси билан яқунланди — 1:0. Икки дақиқа ўтар-ўтмас Азиз Шўқуров ҳисобни оширди. Равшан Мухидинов киритган тўп эса биринчи бўлимга нукта қўйди — 3:0.

Иккинчи бўлим ҳам «Хуршид» жамоасининг ҳужумлари билан бошланди. Жамоанинг иқтидорли ярим ҳимоясига Шўхруҳ Амиров «чамаси» 18 митрдан кўли зарба орқали тўпни даввоза тўпини тағига туширди. Сўнг бўлим давомида у яна иккита тўп киритиб «хет-трик» натижага эришди. Шундай қилиб, шаҳримизнинг «Хуршид» маҳалласи командаси «Футболимиз келажаги» республика Кубоғининг ғолиби бўлди.

«Хуршид» ва «Навбахор» жамоалари, шунингдек 3-ўринни эгаллаган Андижон ва Самарқанд маҳаллалари жамоаларига, турнирнинг энг яхши ўйинчиларига ташкилотчилар томонидан ажратилган кубоқлар, олтин, кумуш ва бронза медаллари, дипломлар ва химматбоҳо совғалар топширилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ

## ШИФОКОР ТАВСИЯСИ

### Ўзимизга ҳам боғлиқ

Ўттир иккетар касалликлар — бу озик-овқат маҳсулотлари орқали узатиладиган инфекциялардир. Икклими иссиқ ҳудудларда, айниқса иссиқ пайтларда ўттир ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаришни микроорганизмларнинг фаол кўпайиши учун қулай шароит яратилади. Сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ҳамда гўшти маҳсулотлари микроорганларнинг кўпайишига яхши муҳит бўлганили сабабли бундай маҳсулотларни кўп истеъмол қиладиган шахслар шундай хасталикка мойил бўлишади. Бу гап айниқса бир ёшгача бўлган болаларга тааллуқлидир.

Ақсарият ошқозон-ичак инфекциялари 2-3 соатдан 2-3 кунгача бўлган яширин даврга эга касаллик бўлганидан касаллик аломатлари пайдо бўлганга қадар бўлган вақт бўлади. Бундан хулоса шунки, микроорган тушган озик-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишдан сўнг тез вақт ичида диарея, яъни ич кетиши кузатилиши мумкин. Ичак инфекцияларининг яна бир хусусияти бу микроорган зарарланганлиги ишлари ўтказилмайдиган сув ҳавзаларидаги сувларда тез кўпаяди. Шунинг учун ҳам очик сув ҳавзаларида чўмилиш пайтида сув ютиш, қайнатилмаган сувни ичиш, меваларни юмвяи ёки водопровод суви бўлмаган сувлар билан чайиш ҳам бундай касалликларга олиб келиши мумкин.

Касалликнинг бошланғич белгилари — бу холсаланиш, кўнгил айниш, қусиш, тана ҳароратининг кўтариллишидир. Кейинчалик қорин оғриши, дам бўлиши ҳамда ич кетиши ҳам кузатилади. Баъзида нажасда шилмишиқ, қон ҳамда йиринг бўлиши мумкин. Қайта-қайта қусиш ҳамда ич кетиш организмнинг суви оқизганини, тана ҳароратининг янада кўтарилишига (хаттоки тутканокгача), юрак ҳамда қон томирлар, буйрак, жигар ва кичик фаслицтининг бузилишига олиб келади. Нотўғри давлош ва ўз вақтида шифокорга мурожаат қилмаслик натижаида бемор ўттир ичак касалликлари ва уларнинг асоратларидан вафот этиши мумкин.

Ўттир диарея касалликларининг биринчи белгилари пайдо бўлиши билан шифокорга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бранч маслаҳатисиз турли дори-дармон ва инт-

екциялар билан даволаниш тавсия этилмайди, хаттоки ман этилади, чунки кўп микроорганнинг антибиотикларга, масалан, левомецитин, фуразолидон, гентамицин, ампициллин ва бошқаларга сезувчанлиги кўчи бўлиши мумкин. Бранч маслаҳатисиз ҳар хил дорилар истеъмол қилиш бемор аҳолининг оғирлашишига олиб келади: ичак дисбактериозини келтириб чиқаради, организмнинг касалликларга бўлган курашувчанлиги хусусиятини пасайтиради, дори-дармонларга бўлган аллергияни кўзатади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бир қатор дориларни (масалан, им-модули каби) шифокор маслаҳатисиз қабул қилиш қатъий ман этилади, чунки бундай ҳаракат, айниқса, ёш болаларда ичак тугилиши ҳолатига олиб келиши мумкин. Бранч кўрунганча ўй шароитида беморга кўп миқдорда суюқлик: қайнатилган сув, регидрон, кўк чой, мойнечак, яллиз, наъматак дамламаларини бериш тавсия этилади. Бундай беморларга парhez оқватлар бериш жуда муҳимдир. Беморнинг кўнлик равионидан йили, қовурилган, аччиқ, шўр ҳамда дуздан оқват маҳсулотларини, тўқум, турли пишириклар, юмшоқ қон, ўн маҳсулотлари, хўл мева ва सबзавотлар, дуққалилар оқват танааничи қилиш керак. Оқват юмшоқ, осон ҳазд бўладиган бўлиши керак. Бу бордада гуруч, арпа, магаридан тайёрланган таомлар, хўл мевалардан ва қовурилган тайёрланган киселлар, қотирилган қон бериш мақсадга мувофиқдир. Қайнатилган сугдан «ОРОМ» рецепти бўйича тайёрланган хатик, норвал ҳамда санитари-эпидемиология назорати марказлари мутахассисларининг кўрсатмаларига риоя қилиш зарур. Демак касалликни давлош ўзимизга ҳам боғлиқ.

Лола АХМЕДОВА,  
 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг собиқ бошлиғи.

Кулаҳмат Тошўлатович РИЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар техникумининг жамоаси техникум шартнома факультетининг декани, 1504-ихтисослиги бўйича фанлар кафедрасининг мудир, олий тоифали ўқитувчи Рашид Жўраевич Маҳқамовга падалир бузқувори.

Жўра ота МАҲҚАМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир  
 Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:  
 700000, Тошкент шаҳри,  
 Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:  
 Тошкент шаҳар  
 ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 хатлар — 133-29-70;  
 эълонлар:  
 133-28-95, 132-11-39.  
 факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума  
 кунлари чиқади.  
 Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
 Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари  
 бўйича турар жойлардаги почта  
 бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га  
 — 133-74-05 телефонига мурожаат  
 қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида  
 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг  
 компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа  
 ақциядорлик компанияси бошқармаси.  
 Корхона манзили:  
 «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.